

**Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар
вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар
агентлиги директорининг фуқароларга
МУРОЖААТИ**

Ҳурматли юрtdошлар !

Бугунги кунда Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш, унга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Космик технологияларни кенг жорий этиш орқали Республиканинг кўпгина соҳаларида инсон омилини камайтириш орқали Давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашишда ёрдам кўрсатилмоқда.

Агентликда коррупцияга қарши курашиш бўйича бўлинма фаолият юритиб келмоқда. Ушбу бўлинма ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни ўз вақтида ўрганиб, Агентлик ваколати доирасида тегишли қонуний чораларни кўришни ўз олдига вазифа қилиб олган.

Сизнинг ўз вақтида қилган мурожаатингиз Агентлик фаолияти бўйича юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодиса ва ноқонуний коррупцион ҳатти-ҳаракатларни олдини олишга, мавжуд муаммоларни бартараф этилишига хизмат қилиши мумкин.

Шу боис, жамоатчилик билан бевосита мулоқот ўрнатиш мақсадида бир қатор алоқа каналлари яратилиб, ишга туширилган. Жумладан, коррупция ҳақидаги маълумотларни қуйидаги алоқа каналлари орқали Агентлик раҳбариятига тақдим этишингиз мумкин:

Расмий телеграм-бот алоқа канали: <https://t.me/anticorruptionuzspacebot>

Расмий электрон почта: anticorruption@uzspace.uz

Ишонч телефони: (99855) 502-50-22